

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**24-сон**  
**(60)**  
**2002 й.**  
**декабрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

190. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги 432–II-сон Конституциявий Қонуни
191. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 12 декабрдаги 433–II-сон қарори
192. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги 434–II-сон Конституциявий Қонуни
193. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 12 декабрдаги 435–II-сон қарори
194. «Давлат статистикаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги 441–II-сон Қонуни
195. «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 12 декабрдаги 442–II-сон қарори

*Иккинчи бўлим*

196. «Прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 декабрдаги ПФ-3178-сон Фармони
197. «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 декабрдаги ПФ-3183-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

198. «Демография ва истеъмол бозорини ўрганиш марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 24 декабрдаги 448-сон қарори
199. «Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 декабрдаги 454-сон қарори
200. «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сон қарори [Кўчирма]

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

### **190** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида

#### **I. Умумий қоидалар**

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) мақомини белгилаш, Сенат фаолиятини ташкил этишга ва унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### **2-модда. Сенат**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатасидир.

Сенат аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенат иши ялпи мажлисларга (бундан буён матнда мажлислар деб юритилади) ва унинг қўмиталари мажлисларига тўпланадиган сенаторлар фаолиятига асосланади.

Сенатда ҳудудий мансубликка кўра ҳамда сиёсий ёки бошқа асосда гуруҳлар тузишга йўл қўйилмайди.

##### **3-модда. Сенат фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

Сенат фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

##### **4-модда. Сенат таркибини шакллантириш**

Сенатни шакллантириш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**5-модда. Сенатнинг ваколат муддати**

Сенатнинг ваколат муддати — беш йил.

Ваколат муддати тугагач, Сенат янги чақириқ Сенати иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

**6-модда. Сенат аъзоси**

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудига муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Сенат аъзоси ва Қонунчилик палатаси депутаты бўлиши мумкин эмас.

Сенат аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Сенатнинг розилигисиз, Сенат мажлислари оралиғидаги даврда эса, Сенат Кенгашининг розилигисиз жинойий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибда бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Сенат аъзосига унинг сенаторлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

Сенат аъзосининг ваколатлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

Сенат аъзолари Сенатда доимий асосда ишлашлари мумкин. Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторларнинг сони сенаторлар умумий сонининг тўртдан биригача бўлган миқдорда белгиланади. Улар сенаторлик ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Сенат аъзосининг мақоми қонун билан белгиланади.

**7-модда. Сенат ҳужжатлари**

Сенат ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек палатанинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Сенат умумсиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан баёнотлар ва мурожаатлар билан чиқиши мумкин, улар палатанинг қарори билан расмийлаштирилади.

Сенат қарорлари, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

**II. Сенат ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий шакллари****8-модда. Сенат ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатлари**

Сенат ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари ҳамда қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият тармоқлари тизимини ҳамда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

10) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

11) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

### **9-модда. Сенатнинг мутлақ ваколатлари**

Сенатнинг мутлақ ваколатлари жумласига:

1) Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раисларини ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;
  - 4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судини сайлаш;
  - 5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;
  - 6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
  - 7) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
  - 8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;
  - 9) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш;
  - 10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;
  - 11) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;
  - 12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;
  - 13) Регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатаниннг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;
  - 14) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Сенат қарорларини қабул қилиш киради.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан мансабдор шахсларни Сенат томонидан сайлаш, тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

#### **10-модда. Сенат мажлиси**

Сенат фаолиятининг ташкилий шакли унинг мажлисидир.

Сенат мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади.

Сенатнинг биринчи мажлиси Сенат таркиб топганидан кейин бир ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Сенатнинг биринчи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади.

Сенатнинг навбатдан ташқари мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Сенат Раиси таклифига биноан ёки Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисми таклифига биноан чақирилиши мумкин.

Фақат Сенат мажлисларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари маъқулланади ҳамда Сенат ҳужжатлари қабул қилинади.

Сенат ва унинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси Спикери, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Ўзбе-

кистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди раислари, Бош прокурор иштирок этишлари мумкин.

Сенат мажлисига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Сенат мажлислари очиқ ва ошкора ўтказилади. Зарурат бўлганда, Сенат ёпик мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Сенат мажлисларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

### **11-модда. Сенат ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлислари**

Сенат ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига мувофиқ қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Палаталарнинг қўшма мажлиси очиқ ва ошкора ўтказилади.

Палаталарнинг қўшма мажлиси, агар унда тегишинча Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Палаталарнинг қўшма мажлисларида, агар қўшма мажлисда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси навбатма-навбат раислик қилади.

Палаталарнинг қўшма мажлисида эшитилган масалалар муҳокамаси натижалари асосида палаталарнинг қўшма қарори қабул қилиниши мумкин. Бунда овоз бериш, қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида ўтказилади.

### **12-модда. Парламент сўрови**

Сенат ва Сенат аъзоси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асослантилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Сенат Регламентида белгиланган муддатларда Сенат мажлисларида берадилар.

## **III. Сенат раиси ва унинг ўринбосарлари. Сенат Кенгаши, Қўмиталари ва комиссиялари**

### **13-модда. Сенат Раиси**

Сенат Раиси Сенат таркиб топганидан кейинги биринчи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Сенат аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади. Сенат Раислигига номзод кўрсатиш ва сайлаш тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

Сенат Раиси ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партия ва ҳаракатларга аъзоликни тўхтатиб туради.

Сенат Раиси Сенат қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Сенат Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторларнинг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Сенат қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Сенат Раиси ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

#### **14-модда. Сенат Раисининг ваколатлари**

Сенат Раиси:

- 1) Сенат ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;
- 2) Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;
- 3) Сенат маъқуллаган қонунларни имзолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборади;
- 4) Сенат қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
- 5) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;
- 6) Сенат Раисининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
- 7) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Сенат гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;
- 8) Сенат матбуот органларининг уставларини ва таҳрир ҳайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;
- 9) Кенгаш билан келишилган ҳолда Сенат матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади;
- 10) Сенат матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;
- 11) Қонунчилик палатаси, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Сенат номидан иш кўради;
- 12) Сенат ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди;
- 13) Сенат девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, сенаторлар ва Сенат девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;
- 14) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва Сенат Регламентида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Сенат Раиси ўзининг ваколатига тааллуқли масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақли.

#### **15-модда. Сенат Раисининг ўринбосарлари**

Сенат Раисининг ўринбосарлари Сенат аъзолари орасидан яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан Сенат ваколати муддатига сайланади. Сенат Раисининг ўринбосарлигига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

Сенат Раисининг ўринбосарлари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партиялар ва ҳаракатларга аъзоликни тўхтатиб туради.

Сенат Раисининг ўринбосарлари Сенат қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Сенат Раисининг ўринбосарлари Сенат Раисининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Сенат Раиси йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради.



Сенат Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикасининг вакили бўлади.

**16-модда. Сенат Кенгаши**

Сенат фаолиятини самарали ташкил этиш, палата қўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, кун тартиби юзасидан таклифлар тайёрлаш, қонунларни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Сенат Кенгаши тузилади.

Сенат Кенгаши палата мажлислари оралиғида заруратга қараб тўпланadi.

Сенат Кенгашининг таркибига Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари ва қўмиталарнинг раислари киради.

Сенат Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

**17-модда. Сенат қўмиталарини сайлаш**

Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Сенат шаклланганидан кейин унинг ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Сенат қўмиталарининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Қўмита таркибига сайланмаган сенатор унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли.

Сенат қўмиталари Сенат олдида масъул ва унга ҳисобдордир.

**18-модда. Сенат қўмиталарининг ваколатлари**

Сенат қўмиталари:

1) Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун топширилган қонунлар юзасидан хулосалар беради;

2) ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан ўз ташаббуси билан ва Сенатнинг топшириғига биноан Сенат ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

3) қонунни мажлис кун тартибига киритиш ёки унинг устида ишлашни давом эттириш ёхуд асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

4) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

5) давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари ва бошқа хулосаларни, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

6) Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакилларини, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади;

7) киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Сенат томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

8) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини эшитади.

**19-модда. Сенат қўмиталарининг ишини ташкил этиш**

Сенат қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек Сенат, унинг Раиси ва Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

Сенат қўмиталарининг фаолияти тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

**20-модда. Сенат қўмиталарининг мажлислари**

Сенат қўмиталарининг мажлислари Сенат мажлислари оралиғида заруратга қараб ўтказилади.

Сенат қўмиталарининг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Сенат қўмиталарининг мажлислари очик ўтказилади. Зарурат бўлганида Сенат қўмиталари ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

**21-модда. Сенат қўмиталарининг қарорлари**

Сенат қўмиталари кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қўмита жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

Сенат қўмиталарининг давлат органларига юбориладиган қарорлари улар томонидан кўриб чиқилиши шарт, натижалари ёки кўрилган чоралар тўғрисида, агар қарорда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, узоғи билан бир ойдан кечиктирмай хабар қилиниши керак.

**22-модда. Сенат комиссиялари**

Сенат муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин.

Комиссиялар Сенат мажлисида сенаторлар орасидан тузилади. Айни пайтда комиссияни тузишдан кўзланган мақсад ва унинг ваколатлари белгиланади.

Комиссиялар ўз фаолиятини зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан кейин ёки Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари тугатади.

Комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

**IV. Қонунни кўриб чиқиш. Келишув тартиб-қоидалари****23-модда. Қонуннинг Сенат қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилиши**

Қонун Сенатга келиб тушганидан кейин Сенат Раиси уни дастлабки тарзда кўриб чиқишни амалга оширадиган масъул қўмитани белгилайди.

Қонунни дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари асосида масъул қўмита қонун юзасидан хулоса қабул қилади.

**24-модда. Қонуннинг Сенат мажлисида кўриб чиқилиши**

Сенат масъул қўмитанинг хулосасини олганидан кейин қонунни муҳокама қилади ва уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қонун Сенат томонидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан маъқулланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, унга киритилган ўзгартиш ва қўшим-

чаларни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари ҳамда уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни маъқуллаш учун сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Овоз бериш очиқ ёки яширин бўлиши мумкин.

Овоз беришнинг шакли ва усули тўғрисидаги қарор Сенат томонидан Сенат мажлисида ҳозир бўлган сенаторларнинг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади.

#### **25-модда. Келишув комиссияси**

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Сенат ва Қонунчилик палатаси юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан кўрсатилган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисини сайлайди.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссияси қонуннинг Сенат эътироз билдирмаган айрим моддалари таҳририни ўзгартириш тўғрисида, агар бундай ўзгартиришни Сенатнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган қонун моддаларининг таҳрири тақозо этадиган бўлса, қарор қабул қилишга ҳақли.

Келишув комиссияси ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилинади.

Келишув комиссиясини тузиш тартиби, комиссиянинг таркиби ва иши Регламентда белгиланади.

#### **26-модда. Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилган қонуннинг Сенат томонидан маъқулланиши**

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда, қонун Қонунчилик палатасида одатдаги тартибда қайта кўриб чиқилиши лозим ва у маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Агар Сенат илгари рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда уни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламаса, қонун рад этилган ҳисобланади ва у Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак.

#### **27-модда. Қонунни имзолаш ва уни эълон қилиш**

Сенат маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

#### **28-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонуннинг Сенатда қайта кўриб чиқилиши**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган ва Қонунчилик палатаси томонидан маъқуллаш учун Сенатга қайтадан киритилган қонунни Сенат кўриб чиқиб, уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

## **V. Яқунловчи қоидалар**

### **29-модда. Сенатни тарқатиб юбориш**

Сенат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида қуйидаги ҳолларда тарқатиб юборилиши мумкин:

Сенат таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёки у бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

Сенат билан Қонунчилик палатаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда.

Сенат тарқатиб юборилган тақдирда уч ой мобайнида унинг янги таркиби шакллантирилади.

Сенат фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.

### **30-модда. Сенат Регламенти**

Сенат, унинг органлари ва мансабдор шахслари фаолиятининг тартиби Сенат Регламентида белгиланади.

### **31-модда. Сенат девони**

Сенат, унинг органлари ва сенаторлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини Сенат девони амалга оширади.

Сенат девони тузилмаси, штатлари, ходимларининг меҳнат ҳақи миқдори ва моддий-техника таъминоти, шунингдек уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар Сенат Раиси томонидан тасдиқланади.

Сенат девони ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари Сенатнинг ваколати муддатига боғлиқ бўлмайди.

Сенат девони юридик шахс ҳисобланади.

Сенат девонининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Сенат Раиси томонидан тасдиқланадиган Низомда белгиланади.

### **32-модда. Сенат фаолиятини молиялаштириш**

Сенат фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **33-модда. Сенатнинг матбуот органлари**

Сенат ўз матбуот органларига эга бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 12 декабрь,  
432–II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

## **191** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига навбатдаги сайлов ҳамда Сенатни шакллантириш яқунлари асосида амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў. Султонов) ўз қарорларини «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар мазкур Конституциявий Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 12 декабрь,  
433-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

## **192** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида

### **I. Умумий қоидалар**

#### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) мақомини белгилаш, Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишга ва унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигига доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### **2-модда. Қонунчилик палатаси**

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатасидир.

Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади.

**3-модда. Қонунчилик палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

Қонунчилик палатаси фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

**4-модда. Қонунчилик палатасига сайлов**

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**5-модда. Қонунчилик палатасининг ваколат муддати**

Қонунчилик палатасининг ваколат муддати — беш йил.

Ваколат муддати тугагач, Қонунчилик палатаси янги чақириқ Қонунчилик палатаси иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

**6-модда. Қонунчилик палатаси депутати**

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Қонунчилик палатасининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси депутатига унинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади.

Қонунчилик палатаси депутатининг ваколатлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутатининг мақоми қонун билан белгиланади.

**7-модда. Қонунчилик палатаси ҳужжатлари**

Қонунчилик палатаси ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек палатанинг ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қонунчилик палатаси умумсиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалалар юзасидан баёнотлар ва мурожаатлар билан чиқиши мумкин, улар палатанинг қарори билан расмийлаштирилади.

Қонунчилик палатаси қарорлари, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

## II. Қонунчилик палатасининг ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий шакллари

### 8-модда. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
  - 2) Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларини ҳамда қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
  - 3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;
  - 4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;
  - 5) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият тармоқлари тизимини ҳамда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш;
  - 6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;
  - 7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;
  - 8) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;
  - 9) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;
  - 10) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;
  - 11) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш;
  - 12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;
  - 13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
  - 14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;
  - 15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади;
- 16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;
  - 17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;
  - 18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;
  - 19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик



эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

#### **9-модда. Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари**

Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари жумласига:

1) Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3) Регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул қилиш киради.

#### **10-модда. Қонунчилик палатаси мажлиси**

Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий шакли унинг Қонунчилик палатаси сессиялари даврида ўтказиладиган мажлисларидир.

Навбатдаги сессиялар, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охиригача иш кунига қадар ўтказилади.

Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси сайловдан сўнгра икки ойдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан чақирилади.

Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси очади ва Қонунчилик палатаси Спикери сайлангунга қадар унда раислик қилади.

Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Сенат Раиси, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди раислари, Бош прокурор иштирок этишлари мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисига давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлислари очиқ ва ошқора ўтказилади.

Зарурат бўлганда, Қонунчилик палатаси ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қонунчилик палатаси мажлисларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

#### **11-модда. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлислари**

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республика-



си Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Палаталарнинг қўшма мажлиси очиқ ва ошкора ўтказилади.

Палаталарнинг қўшма мажлиси, агар унда тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Палаталарнинг қўшма мажлисларида, агар қўшма мажлисда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси навбатма-навбат раислик қилади.

Палаталарнинг қўшма мажлисида эшитилган масалалар муҳокамаси натижалари юзасидан палаталарнинг қўшма қарори қабул қилиниши мумкин. Бунда овоз бериш, қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида ўтказилади.

### **12-модда. Парламент сўрови**

Қонунчилик палатаси ва Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли.

Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланган муддатларда Қонунчилик палатаси мажлисларида берадилар.

## **III. Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари. Қонунчилик палатаси кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари**

### **13-модда. Қонунчилик палатаси Спикери**

Сайловдан кейинги биринчи мажлисда Қонунчилик палатасининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколат муддатига Қонунчилик палатаси Спикери сайланади. Қонунчилик палатаси Спикерлигига номзод кўрсатиш ва сайлаш тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

Қонунчилик палатаси Спикери ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партиёга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда сиёсий партиё фракцияси (бундан буён матнда фракция деб юритилади) ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси Спикери Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси Спикери яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикери ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

### **14-модда. Қонунчилик палатаси Спикерининг ваколатлари**

Қонунчилик палатаси Спикери:

1) Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади;

- 2) Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади;
  - 3) Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни маъқуллаш учун Сенатга юборади;
  - 4) Қонунчилик палатаси қўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
  - 5) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади;
  - 6) Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
  - 7) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши билан боғлиқ Қонунчилик палатаси гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади;
  - 8) Қонунчилик палатаси матбуот органларининг уставларини ва таҳрир хайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;
  - 9) Кенгаш билан келишилган ҳолда Қонунчилик палатаси матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади;
  - 10) Қонунчилик палатаси матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;
  - 11) Сенат, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Қонунчилик палатаси номидан иш кўради;
  - 12) Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди;
  - 13) Қонунчилик палатаси девони фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, депутатлар ва Қонунчилик палатаси девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди;
  - 14) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва Қонунчилик палатаси Регламентида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.
- Қонунчилик палатаси Спикери ўзининг ваколатига тааллуқли масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақли.

#### **15-модда. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари**

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатаси ваколати муддатига сайланади. Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлигига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва Қонунчилик палатаси Спикери йўқлигида ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳолларда унинг вазифасини бажариб туради.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда фракция ва бошқа депутатлар бирлашмаси таркибига кириши мумкин эмас.

#### **16-модда. Қонунчилик палатаси Кенгаши**

Қонунчилик палатаси фаолиятини самарали ташкил этиш, палата қўмиталари ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалашти-

риш масаласини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш мақсадида Қонунчилик палатаси Кенгаши тузилади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши палата мажлислари оралигида заруратга қараб тўпланади.

Қонунчилик палатаси Кенгашининг таркибига Қонунчилик палатаси Спикери, унинг ўринбосарлари, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари, Қонунчилик палатаси кўмиталарининг раислари киради.

Қонунчилик палатаси Кенгаши ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

#### **17-модда. Қонунчилик палатаси кўмиталарини сайлаш**

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда кўмиталар сайланади.

Кўмита раиси, унинг ўринбосари ва кўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партия ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини инобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарор билан белгиланади.

Қонунчилик палатаси кўмиталарининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Кўмита таркибига сайланмаган депутат унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли.

Қонунчилик палатаси кўмиталари Қонунчилик палатаси олдида масъул ва унга ҳисобдордир.

#### **18-модда. Қонунчилик палатаси кўмиталарининг ваколатлари**

Қонунчилик палатаси кўмиталари:

1) ўз ташаббуси билан ёки Қонунчилик палатасининг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ҳамда ўзининг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси бошқа қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади;

2) қонун лойиҳаларининг дастлабки тарзда кўриб чиқилишини ва уларни Қонунчилик палатасида кўриб чиқишга тайёрлашни амалга оширади;

3) қонунларнинг лойиҳалари юзасидан хулосалар беради, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг мажлиси кун тартибига киритиш, унинг устида ишлашни давом эттириш ёки асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

4) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

5) Қонунчилик палатасининг топшириғига ёки палата Кенгашининг тавсиясига биноан муайян қонун лойиҳаси ёки палата ваколатларига кирадиган бошқа масала юзасидан масъул бўлади;

6) киритилган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этади;

7) қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари вакилларининг улар томонидан киритилган қонун лойиҳасига тааллуқли масалалар юзасидан фикрларини эшитади;

8) киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

9) давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

10) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда қўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини эшитади.

#### **19-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг ишини ташкил этиш**

Қонунчилик палатаси қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек Қонунчилик палатаси, унинг Спикери ва Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

#### **20-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари**

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари палата мажлислари оралиғида заруратга қараб ўтказилади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари, агар уларда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари очиқ ўтказилади. Зарурат бўлганида Қонунчилик палатаси қўмиталари ёпиқ мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

#### **21-модда. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг қарорлари**

Қонунчилик палатаси қўмиталари кўриб чиқиётган масалалар юзасидан қўмита жами аъзоларининг кўпчилиги овози билан қарорлар қабул қилади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарининг давлат органларига юборилаётган қарорлари улар томонидан кўриб чиқилиши шарт, натижалари ёки кўрилган чоралар тўғрисида, агар қарорда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, узоғи билан бир ойдан кечиктирмай хабар қилиниши керак.

#### **22-модда. Қонунчилик палатаси комиссиялари**

Қонунчилик палатаси муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин.

Комиссиялар Қонунчилик палатаси мажлисида Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан тузилади. Айни пайтда комиссияни тузишдан кўзланган мақсад ва унинг ваколатлари белгиланади.

Комиссиялар ўз фаолиятини зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан кейин ёки Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари тугатади.

Комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

#### IV. Депутатлар бирлашмалари

##### 23-модда. Депутатлар бирлашмалари тўғрисида

Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин.

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Депутатлар гуруҳларини Қонунчилик палатаси таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузишга ҳақли.

Қонунчилик палатаси депутатининг фракцияга ёки депутатлар гуруҳига кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади.

Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гуруҳига кирмасликка ҳақли.

Депутатлар бирлашмаларининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

##### 24-модда. Фракциялар ва депутатлар гуруҳларини тузиш тартиби

Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга.

Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари рўйхатдан ўтиши керак. Қонунчилик палатасининг мажлисида фракция ва депутатлар гуруҳининг раҳбари ёки бошқа вакили тегишинча фракция ёки депутатлар гуруҳи тузилгани ҳақида палатага ахборот беради, бу Қонунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Қонунчилик палатаси фракция ва депутатлар гуруҳи тузилгани тўғрисида қарор қабул қилади.

##### 25-модда. Фракция ва депутатлар гуруҳининг ваколатлари

Фракция ва депутатлар гуруҳи:

1) Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади;

2) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланади;

3) келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисида масала қўяди;

4) Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этади;

5) Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида таркатади;

6) палатанинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари ишида иштирок этади;

7) Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади;

8) ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала қўяди;

9) фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олади;

10) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **26-модда. Фракция ва депутатлар гуруҳининг фаолиятини тугатиш**

Фракция ва депутатлар гуруҳининг фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

1) фракция ёки депутатлар гуруҳининг ўз ташаббуси билан;

2) Қонунчилик палатасининг ваколат муддати тугаганда;

3) фракция ёки депутатлар гуруҳига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган миқдор чегарасидан камайиб кетганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, тегишли сиёсий партиянинг фаолияти тугатилган тақдирда ҳам фракция тарқатиб юборилади.

### **V. Қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш. Келишув тартиб-қоидалари**

#### **27-модда. Қонунчилик ташаббуси**

Қонунчилик палатасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек бюджет моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижобий ҳулосаси бўлган тақдирда киритилиши мумкин.

#### **28-модда. Қонун лойиҳасининг Қонунчилик палатаси қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилиши**

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилганидан кейин Қонунчилик палатаси Спикери уни дастлабки тарзда кўриб чиқишни амалга оширадиган масъул қўмитани белгилайди.

Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқишда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари иштирок этишга ҳақли.

Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари асосида масъул қўмита уни Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритиш ёки қонун лойиҳасини киритган органга (шахсга) қайтариш тўғрисида Қонунчилик палатаси Кенгаши олдида масала қўяди.

Агар киритилган қонун лойиҳаси «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ бўлмаса, Қонунчилик палатаси Кенгаши қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

**29-модда. Қонуннинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши**

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, бир неча ўқишда кўриб чиқади.

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, конституциявий қонунни қабул қилиш ҳамда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

Овоз бериш очиқ ёки яширин бўлиши мумкин.

Овоз беришнинг шакли ва усули тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси томонидан Қонунчилик палатаси мажлисида ҳозир бўлган депутатларнинг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай Сенатга юборилади.

Сенат қонунни маъқуллаш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Агар Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

**30-модда. Келишув комиссияси**

Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Келишув комиссиясининг ҳар бир палатадан кўрсатилган аъзолари ўз таркибидан кўпчилик овоз билан комиссиянинг ҳамраисини сайлайди.

Келишув комиссияси қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида Сенатнинг ҳар бир эътирозини алоҳида-алоҳида кўриб чиқади. Келишув комиссияси қонуннинг Сенат эътироз билдирмаган айрим моддалари таҳририни ўзгартириш тўғрисида, агар бундай ўзгартиришни Сенатнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган қонун моддаларининг таҳрири тақозо этадиган бўлса, қарор қабул қилишга ҳақли.

Келишув комиссияси ишининг натижалари юзасидан келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ўз ичига олган хулоса қабул қилинади.

Келишув комиссиясини тузиш тартиби, комиссиянинг таркиби ва иши Регламентда белгиланади.

**31-модда. Келишув комиссиясининг таклифларини кўриб чиқиш**

Қонунчилик палатаси келишув комиссиясининг хулосаси тақдим этилган кундан эътиборан ўн кун ичида унинг таклифларини кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши керак.

Қонунчилик палатаси келишув комиссиясининг таклифлари юзасидан депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилади.

Келишув комиссиясининг таклифлари қабул қилинган тақдирда, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқилиши керак. Бундай ҳолларда қонун одатдаги тартибда қабул қилинади ва маъқуллаш учун Сенатга юборилади.



Агар Сенат томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси уни келишув комиссиясининг таҳририда қабул қилмаса ва Сенатнинг қонунни рад этиш тўғрисидаги қарорига рози эмаслигини билдирса, қонун аввалги қабул қилинган таҳририда овозга кўйилади.

Агар Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

**32-модда. Қонунни имзолаш ва уни эълон қилиш**

Сенат томонидан маъқулланган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

**33-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонуннинг Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқиши**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқилиб, қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

1) қонунни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш;

2) қонунни бундан буён кўриб чиқмаслик;

3) қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, Сенатга маъқуллаш учун юборилади.

## VI. Яқунловчи қоидалар

**34-модда. Қонунчилик палатасини тарқатиб юбориш**

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида қуйидаги ҳолларда тарқатиб юборилиши мумкин:

Қонунчилик палатаси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёки у бир неча марта Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда;

Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда.

Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Қонунчилик палатаси фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатилиши мумкин эмас.



**35-модда. Қонунчилик палатаси Регламенти**

Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва мансабдор шахслари, шунингдек депутатлар бирлашмалари фаолиятининг тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

**36-модда. Қонунчилик палатаси девони**

Қонунчилик палатаси, унинг органлари ва депутатлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини Қонунчилик палатаси девони амалга оширади.

Қонунчилик палатаси девони тузилмаси, штатлари, ходимларининг меҳнат ҳақи миқдори ва моддий-техника таъминоти, шунингдек уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар Қонунчилик палатаси Спикери томонидан тасдиқланади.

Қонунчилик палатаси девони ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари Қонунчилик палатасининг ваколат муддатига боғлиқ бўлмайди.

Қонунчилик палатаси девони юридик шахс ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси девонининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Спикери томонидан тасдиқланадиган Низомда белгиланади.

**37-модда. Қонунчилик палатаси фаолиятини молиялаштириш**

Қонунчилик палатаси фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**38-модда. Қонунчилик палатасининг матбуот органлари**

Қонунчилик палатаси ўз матбуот органларига эга бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 12 декабрь,  
434-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

## **193 «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига навбатдаги сайлов ҳамда Қонунчилик палатасини шакллантириш яқунлари асосида амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў. Султонов) ўз қарорларини «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига мувофиқлаштиради, вазирликлар, дав-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

лат қўмиталари ва идоралар мазкур Конституциявий Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни амалга киритилган кундан эътиборан қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 10, 250-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда) XV бўлими;

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 89-модда) VII бўлими.

### **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 12 декабрь,  
435-II-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНИ

# 194 Давлат статистикаси тўғрисида

### **1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари**

Ушбу Қонун давлат статистикасини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди, давлат статистикаси органларининг ваколатларини белгилайди ҳамда ягона статистика ахбороти тизими юритилиши учун норматив асос яратади.

### **2-модда. Давлат статистикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Давлат статистикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг давлат статистикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **3-модда. Давлат статистикасининг асосий вазифалари**

Давлат статистикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:  
ижтимоий-иқтисодий ходисалар ва жараёнлар ҳамда уларнинг натижалари тўғри-

сидаги статистика маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва эълон қилиш;

халқаро стандартларга мос келувчи ягона статистика услубиятини таъминлаш;

давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар, давлат муассасалари ва халқаро ташкилотларни, шунингдек жамоатчиликни белгиланган тартибда статистика маълумотлари билан таъминлаш;

статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистика таснифлагичлар тизимини ҳамда Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш.

#### **4-модда. Давлат статистикасининг асосий принциплари**

Давлат статистикасининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

ишончлилик, холислик, беғаразлик;

долзарблик, қиёсийлик ва барқарорлик;

кулайлик, очиқ-ойдинлик ва ошкоралик;

статистика ҳисоботини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашини истисно этувчи статистика ишларини ташкил этиш тизимини яратиш.

#### **5-модда. Давлат статистикаси органлари**

Давлат статистикаси ваколатли органи ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, туманлар ва шаҳарлардаги органлари давлат статистикаси органлари ҳисобланади. Давлат статистикаси ваколатли органининг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан уч йил муддатга тайинланади.

Давлат статистикаси органлари маълумотлар манбаларини, статистика усуллари, статистика маълумотларининг мазмуни, шакли, вақти ва тарқатилишини танлашда мустақилдир. Давлат статистикаси органларининг фаолиятига давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аралашини йўл қўйилмайди.

Давлат статистикаси органларини молиялаштириш ҳамда моддий-техника жиҳатидан таъминлаш Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Давлат статистика ишлари дастурига киритилмаган статистика ишларига ҳақ тўлаш буюртмачи томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

Давлат статистикаси органларининг айрим бўлинмалари ўз фаолиятини шартнома асосида амалга ошириши мумкин.

#### **6-модда. Давлат статистикаси органларининг ҳуқуқлари**

Давлат статистикаси органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириб бориш ва функционал тартибга солиш ишларини амалга ошириш;

давлат статистикаси органлари ва бошқа давлат органлари томонидан олиб бориладиган давлат статистика кузатувлари дастурларини тасдиқлаш ҳамда идоравий хусусиятдаги статистика кузатувлари шаклларини келишиб олиш;

молия, божхона, солиқ органларидан, банклардан, бошқа идоралар ва хизматлардан, юридик шахслар ҳамда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан, жисмоний шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлардан давлат статистика ҳисоботлари, идоравий ҳисобга олиш маълумотлари ҳамда давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни (уларни тайёрлашнинг ҳар

қандай босқичида), шунингдек уларга илова этиладиган тушунтириш-изоҳларни сўраш ҳамда олиш ва статистика мақсадларида фойдаланиш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда статистика маълумотлари ишончилигини текшириш, қоидабузарликлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш ҳақида кўрсатма бериш ва статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги ҳамда ҳолислигини экспертизадан ўтказиш;

статистика маълумотларини тақдим этаётган давлат органлари, юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, жисмоний шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлар бажариши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ равишда жарима санкцияларини қўллаш;

юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишини амалга ошираётган органлардан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш учун зарур маълумотлар олиш;

Давлат статистика ишлари дастурига киритилмаган статистикага оид, таҳлилий, ахборот, ноширлик хизматлари ва бошқа хизматларни шартнома асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрсатиш;

бошқа давлатларнинг статистика органлари ва халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш;

айрим вазифаларни бажариш учун функционал бўлинмалар ташкил этиш.

Давлат статистикаси органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **7-модда. Давлат статистикаси органларининг мажбуриятлари**

Давлат статистикаси органлари:

давлат статистикаси принципларига риоя этилишини ва халқаро стандартларга монанд статистика услубияти бирлигини таъминлаши;

Давлат статистика ишлари дастурлари бажарилишини таъминлаши;

мамлакатни, унинг минтақаларини, иқтисодиётнинг тармоқлари ва шубҳаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларининг бажарилиш жараёни устидан давлат статистика кузатувларини ташкил этиши;

давлат статистика ҳисоботларини йиғиш ишини, уй хўжаликларининг статистика кузатувларини, рўйхатга олиш, бир маротабалик ҳисобга олиш, сўровлар, танланма монографик ва бошқа хил кузатувлар ўтказилишини ташкил этиши ва таъминлаши;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини белгиланган тартибда статистика маълумотлари ва таҳлилий ахборот билан таъминлаши;

жамланма статистика маълумотлари эълон қилинишини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг сўровларига биноан шартнома асосида тақдим этилишини таъминлаши;

яқка тартибдаги статистика маълумотларининг махфийлигини, давлат сирлари ва юридик шахсларнинг тижорат сирларига риоя этилишини, жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг эгаси мавҳумлаштирилишини таъминлаши;

давлат статистикаси ахборот тизими давлатнинг бошқа ахборот тизимларига мослашувчанлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконида ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлаши;

халқаро ва минтақалараро статистика қиёслашларини ўтказиши;

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини ҳамда давлат статистикаси учун зарур бўлган таснифлаш тизимини юритиши шарт.

Давлат статистикаси органлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**8-модда. Статистика кенгаши**

Статистика кенгаши давлат статистикаси ваколатли органи ҳузуридаги давлат статистикасининг ривожлантирилиши, фаолият кўрсатиши ва мувофиқлаштирилиши муаммолари бўйича коллегиял маслаҳат органидир.

Статистика кенгаши давлат статистикасининг айрим масалаларини кўриб чиқиш учун эксперт комиссиялари тайинлаши мумкин. Статистика кенгаши ва эксперт комиссияларининг йиғилишларига экспертлар таклиф этилиши, йиғилишларда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар вакилларининг давлат статистикаси масалалари бўйича ахборотлари эшитилиши мумкин.

Статистика кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

**9-модда. Давлат статистикаси органларининг бошқа давлат органлари ҳамда юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлиги**

Давлат статистикаси органлари Давлат статистика ишлари дастурини бажаришда давлат статистикаси органларига ёрдам бериши шарт бўлган бошқа давлат органлари ҳамда юридик шахслар билан статистика ишларини ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Давлат статистикаси органлари ўзларининг ваколат доирасига кирувчи айрим ишларнинг бошқа давлат органлари ҳамда юридик шахслар томонидан бажарилишига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўяди.

Бошқа давлат органлари ҳамда юридик шахслар Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ умумдавлат статистика кузатувларини, шунингдек давлат статистикаси ваколатли органи билан келишилган шаклларда идоравий статистика кузатувларини ўтказиши.

Идоравий статистика кузатувларининг маълумотлари давлат статистикаси ваколатли органига унинг сўровига биноан тақдим этилади.

**10-модда. Давлат статистика ишлари дастури**

Давлат статистика ишлари дастури мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида статистика ахборотини тайёрлаш учун аниқ йўналтирилган топшириқлар ҳамда статистика ишларини молиялаштириш ҳажмлари қамраб олинган ҳужжатдир.

Давлат статистикаси ваколатли органи статистика маълумотларидан фойдаланувчилар талабини ўрганиш асосида кўп йиллик Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқади, бу дастурда давлат статистикасининг истиқболга мўлжалланган мақсадлари ва йўналишлари белгилаб берилади.

Давлат статистика ишлари кўп йиллик дастурини бажариш мақсадида давлат статистикаси ваколатли органи томонидан давлат статистика ишлари йиллик дастури ишлаб чиқилиб, унда ишларнинг бажарилиш муддатлари, давлат статистика кузатувлари даврийлиги ва шакллари белгилаб олинади.

Давлат статистика ишлари дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**11-модда. Давлат статистика кузатувлари**

Давлат статистика кузатувлари иқтисодий ва жамиятда содир бўлаётган ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги статистика маълумотларини изчил йиғиб боришдан

иборат бўлиб, улар бирламчи ҳисоб ҳужжатлари асосида ҳам, бевосита кузатувлар йўли билан ҳам ўтказилади.

Давлат статистикаси ваколатли органи томонидан тасдиқланадиган давлат статистика кузатувлари дастурлари статистика маълумотларини тақдим этувчи давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар, уларнинг тузилмавий бўлинмалари, жисмоний шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлар учун мажбурийдир.

Давлат статистикаси органлари давлат статистика кузатувларини ўтказиш учун шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларни жалб этиши мумкин.

Давлат статистика кузатувлари умумдавлат ва идоравий (тармок) кузатувлар тарзида бўлиши мумкин.

Юридик шахслар давлат статистика кузатувлари ўтказилаётганида қонун ҳужжатларига мувофиқ бирламчи ҳужжатлардан фойдаланиш, зарур ҳолларда эса, хизмат бинолари ва ер участкаларига кириш эркинлигини таъминлаши шарт.

Аҳоли пунктларида ҳар бир хўжалик учун алоҳида юритиладиган ҳисоб-китоб давлат статистика кузатувлари турларидан биридир ва у қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **12-модда. Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри**

Давлат статистика органлари Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини, шунингдек тўпланадиган маълумотлар ҳисобга олинишини ва кўрсаткичлар идентификация қилинишини таъминлайдиган статистика кузатувлари объектларининг статистика регистрларини юритади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри ахборот-маълумотнома хусусиятидаги, вақти-вақти билан янгилаб туриладиган маълумотларни ўз ичига олувчи автоматлаштирилган тизим бўлиб, корхоналар ва ташкилотлар ягона таснифлаш тизими асосида давлат ҳисобига олиниши ва идентификация қилинишини таъминлайди.

Юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар регистрини ва ахборот базаларини яратадиган ва юритадиган давлат органлари ҳамда уларнинг тасарруфидаги ташкилотлар давлат статистикаси органларига Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини шакллантириш ҳамда унинг долзарблигини таъминлаш учун зарур бўлган ахборотни бепул беради.

#### **13-модда. Статистика маълумотларини тақдим этиш**

Молия, божхона, солиқ органлари, банклар ҳамда бошқа идоралар ва хизматлар, шунингдек юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, жисмоний шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлар давлат статистикаси органларига давлат статистика ҳисоботларини, идоравий ҳисобга олиш маълумотларини ҳамда давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни (уларни тайёрлашнинг ҳар қандай босқичида), шунингдек уларга илова этиладиган тушунтириш-изоҳларни бепул тақдим этади.

Статистика маълумотлари ишончли бўлиши ва улар давлат статистика кузатувлари дастурларига мувофиқ белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва шаклларда тақдим этилиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тартибга солувчи, қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар статистика ҳужжатларини тўлдириш (статистика кўрсаткичларининг ҳисоб-китоби) учун асос бўлиб хизмат қилади.

#### **14-модда. Статистика маълумотларидан фойдаланиш**

Статистика маълумотларидан давлат манфаатларини кўзлаб ва илмий мақсадларда,

жамоатчиликни хабардор этиш, бундай маълумотлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун фойдаланилади.

Давлат статистикаси органлари юридик шахслардан, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан, жисмоний шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлардан олган бирламчи статистика маълумотлари фақат жамланма статистика кўрсаткичларини тайёрлашда статистика мақсадларида ишлатилади ҳамда жамланма ҳолатда ва эгаси мавҳумлаштирилган тарзда эълон қилинади.

Таркибида давлат сири ва тижорат сирлари бўлган статистика маълумотлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

**15-модда. Низоларни ҳал этиш**

Давлат статистикаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**16-модда. Давлат статистикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Давлат статистика ҳисоботларини бузиб кўрсатганлик, статистика маълумотларини яширганлик ва давлат статистикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузганликда айбдор шахслар қонунга мувофиқ жиноий, маъмурий ва бошқа йўсинда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 12 декабрь,  
441-II-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ**

**195 «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў. Султонов) ўз қарорларини «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 327-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилин-

ган «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 328-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда) I бўлимининг 6-банди;

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда) VIII бўлими;

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 23-модда) I бўлимининг 7-банди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,  
2002 йил 12 декабрь,  
442-II-сон



## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **196** Прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари ходимларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш мақсадида:

1. Мансаб даражасига эга бўлган прокуратура органларининг ходимлари 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан озод қилинсин.

2. 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан озод қилиш ҳамда давлат хизматчиларининг мансаб маошларига устама ҳақ (меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти)ни 25 фоизгача кўпайтириш ҳисобига ўрта ҳисобда 1,3 барабар оширилсин.

3. Прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдага қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 20 декабрь,  
ПФ-3178-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **197** Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида

Иқтисодиётга бозор механизми ва услубларини жорий қилишни давом эттириш, жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш талабларига мувофиқ иқтисодиёт ва статистика органларининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш мақсадида:

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги тугатилиб, унинг негизда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ташкил қилинсин.

2. Мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси ҳамда комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қуйидаги ғоят муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган чуқур ўйланган ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига юклансин:

макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг барқарор, мутаносиб ва жадал суръат билан ривожланишини таъминлаш;

кўп укладли ва самарали фаолият кўрсатувчи иқтисодиётни шакллантириш, хусусий мулкчиликнинг етакчи ролини таъминлаш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

бой табиий ва минерал-хомашё захираларидан, бунёд этилган ишлаб чиқариш ва фан-техника салоҳиятидан самарали ҳамда оқилона фойдаланишга қаратилган аниқ мақсад йўлидаги структуравий сиёсатни амалга ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлаш;

янги иш жойларини яратиш, меҳнат ресурсларини оқилона банд қилиш муаммосини ҳал этиш, аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, аҳолининг турмуш даражаси барқарор, жадал ўсишини, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни таъминлаш;

мамлакат минтақалари иқтисодиётининг комплекс ривожланишини, ишлаб чиқарувчи кучларнинг мамлакат ҳудуди бўйича мақбул ҳамда самарали ривожлантириш ва жойлаштиришни таъминлаш.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жамиятни ривожлантириш ҳамда демократик қайта ўзгартиришларнинг мақсад ва устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислох қилишнинг, иқтисодиётни бошқаришда бозор услублари ва механизмларини жорий этишнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиқишни ташкил қилиш;

асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни, республика, минтақалар ҳамда тармоқларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини комплекс системали таҳлил қилиб бориш, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, иқтисодиётдаги мавжуд номутаносибликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўллари асослаб бериш;

иқтисодиётни ривожлантиришнинг кўп вариантли сценарийларини, минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари бўйича мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва ўрта муддатли прогнозлари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш;

энг муҳим қиймат, моддий ва меҳнат балансларини ишлаб чиқишни ташкил этиш; асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни пул-кредит агрегатлари, давлат бюджети параметрлари, ташки савдо, тўлов ва тармоқлараро баланслар билан ўзаро боғланишини таъминлайдиган таъсирчан механизмни шакллантириш;

демографик прогнозлар, аҳолининг аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, халқ фаровонлигини ўстириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг ўрта муддатли прогнозларини, тармоқларни ривожлантириш, замонавийлаштириш ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, ресурсларни тежайдиган илғор технологияларни жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;

структуравий сиёсат мақсадларига эришишни, минтақаларни комплекс ривожлантиришни таъминлайдиган қисқа муддатли ва ўрта муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш;

экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, ташқи савдо ва тўлов балансларини мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозини тайёрлаш, республиканинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув стратегиясини ишлаб чиқишда қатнашиш.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ўз зиммасига юкланган вазифаларни мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид прогнозларни ҳамда дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплексига кирувчи вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан амалга оширади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилсин:

статистика соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, замонавий халқаро талаблар ва андозаларга мос келадиган статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш;

илмий асосланган, бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларига жавоб берадиган, миллий ҳисоблар тузишни таъминлайдиган ҳамда халқаро статистика андозаларига мувофиқ бўлган ягона статистика методологияси ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, тадбиқ этиш;

статистика ва ҳисобот кўрсаткичларининг тезкорлиги, ишончилиги ва холислигини таъминлаш, статистика ахборотини олиш бемалоллиги, унинг очиқлиги ва ошқоралигини кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашувларга йўл қўймайдиган статистика ишларини ташкил қилиш тизимини яратиш;

статистика органларини замонавийлаштириш ҳамда уларни статистик ахборотларни тезкор узатиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий компьютер ҳамда ахборот-коммуникация тизимлари ва технологиялари билан қайта жиҳозлаш, статистика бўйича ягона ахборот тизимини янада ривожлантириш;

корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистрини, иқтисодий-статистик классификаторлар тизимини юритиш.

5. Иқтисодиёт ва статистика бўйича фаолият кўрсатаётган бўлинмалар негизда қуйидагилар ташкил қилинсин:

Қорақалпоғистон Республикасида — Иқтисодиёт вазирлиги ва статистика бошқармаси;

республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида — Иқтисодиёт бош бошқармалари ва статистика бошқармалари;

республика шаҳар ва туманларида — иқтисодиёт бўлимлари ва статистика бўлимлари.

6. Қуйидагилар белгилансин:

иқтисодиёт ҳудудий органлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларига қарашли;

статистика ҳудудий органлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига қарашлидир.

7. Белгилаб қўйилсинки, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмларининг сунъий равишда камайтирилишига, корхоналар фаолиятига

ноҳолис баҳо берилишига, пул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний айланишига олиб келадиган нотўғри статистик ҳисоботни тақдим этишда, статистика маълумотларини яширишда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунга мувофиқ қаттиқ жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Бош прокуратураси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга статистик ҳисоботни яширганлик ва бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш назарда тутилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

8. «Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасини Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигига ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 15 майдаги ПФ–1780-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукуматнинг тегишли қарорларини қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 24 декабрь,  
ПФ–3183-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 198 Демография ва истеъмол бозорини ўрганиш марказини ташкил этиш тўғрисида

Демография муаммолари, аҳоли даромадлари шаклланиши манбалари ва истеъмол даражаси, истеъмол талаби ривожланиши тенденциялари, ички истеъмол бозори динамикаси ва уни рақобатбардош товарлар билан тўлдириш комплекс тадқиқ этилишини таъминлаш, ижтимоий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этиш учун норматив база барпо этиш ва одамларнинг фаровонлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, республика «Маҳалла» жамғармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг Демография ва истеъмол бозорини ўрганиш марказини (кейинги ўринларда матнда «Марказ» деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

республикада демография жараёнлари ривожланиши омиллари ва тенденцияларини таҳлил этиш, демографик ўсишнинг минтақавий хусусиятларини ўрганиш ва шу асосда демографик ўсиш ва демографик таркиб ўзгариши, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш прогнозларини асослаш;

аҳоли миграцияси, урбанизация жараёнлари, меҳнат ресурсларининг ҳудудлар бўйича жойлаштирилиши мониторингини амалга ошириш, уларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

энг кам «истеъмол савати»ни асослаш, инфляция даражаси динамикасига ва бошқа омилларга боғлиқ равишда унинг ўзгариши динамикасини таҳлил қилиш, истеъмол товарлари ва хизматларнинг асосий гуруҳлари бўйича аҳолининг ҳисобот бериладиган ва прогноз қилинадиган истеъмол бюджетлари тизимини шакллантириш, минтақалар, шаҳарлар ва қишлоқлар бўйича истеъмол бюджетлари ҳажми ва таркиби ўзгариши устидан мониторингни амалга ошириш;

оилаларнинг даромадлари даражасига кўра аҳоли истеъмоли таркибини минтақалар, шаҳарлар ва қишлоқларда яшовчилар бўйича чуқур ўрганиш, аҳолининг истеъмол талаби шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ этиш ва аҳолининг ўсиб бораётган тўловга қодирлиги талабини таъминлаш ҳамда истеъмолни мақбуллаштириш, аҳолида истеъмол маданиятини шакллантиришга доир тавсияларни ишлаб чиқиш;

республикада ва минтақаларда истеъмол бозорининг ҳолатини ва ривожланиши тенденцияларини танқидий ўрганиш, товар оқимларини ва товар таъминоти манбаларини таҳлил этиш, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ҳисобига тўлдириш даражасини аниқлаш ҳамда истеъмол бозори барқарор фаолият кўрса-

тишини таъминлаш ва унинг таркибини такомиллаштириш, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

аҳолининг, айрим ижтимоий гуруҳларнинг, шаҳарда ва қишлоқда яшовчиларнинг ялпи даромадлари ҳажми ва таркиби ўзгаришини таҳлил қилиш, даромадлар шаклланиши манбаларини ўрганиш, уларнинг миқдори ва динамикасига таъсир этувчи омилларни баҳолаш, меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли даромадларини оширишни такомиллаштиришга доир тавсияларни ишлаб чиқиш;

аҳолининг айрим ижтимоий ночор қатламларининг моддий аҳволини комплекс тадқиқ этиш ҳамда уларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш ва фаровонлик даражасини ўстириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

мунтазам равишда социологик сўровлар ўтказиш ва оилалар бюджетларини ўрганиш;

демография ва ижтимоий ривожлантириш соҳасида халқаро ташкилотлар ва институтлар, хорижий тадқиқот ва таҳлил марказлари билан ҳамкорликни кенгайтириш.

3. Марказни ташкил этиш ва унинг фаолиятига қўмаклашиш учун 1-иловага\* мувофиқ таркибда Ҳомийлик кенгаши ташкил этилсин.

4. Марказнинг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин, унинг ходимларининг чекланган сони 33 нафардан иборат этиб белгилансин (ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари).

Марказ директориغا, зарурат бўлганда, Марказнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ҳомийлик кенгаши:

бир ой муддатда Марказ тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, Марказни таъсис этишга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин ва белгиланган тартибда уни рўйхатдан ўтказсин;

Марказ юқори малакали, республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини чуқур тушунувчи тажрибали мутахассислар билан бутланишини таъминласин, чет элда ўқиган ва стажировкадан ўтган ёшлар жалб этилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

Марказни ўзига юкланган вазифаларни бажариши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, компьютер ва қўпайтириш техникаси билан жиҳозлашда, транспорт билан таъминлашда қўмаклашсин;

халқаро молиявий ташкилотлар, хорижий жамғармалар ва бошқа манбаларнинг грантлари жалб этилишида Марказга ёрдам кўрсатсин.

6. Марказга:

тадқиқотлар ўтказишга давлат бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказларнинг ходимлари, шунингдек чет эллик олимлар ва мутахассисларни контракт асосида жалб этиш;

социологик тадқиқотлар ўтказиш ва оилалар бюджетларини тадқиқ этиш;

халқаро ташкилотлар, жамғармалар, университетлар, илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари билан тадқиқотлар ўтказишга ва биргаликда иш олиб боришга шартномалар тузиш;

Марказ ходимларини ва тадқиқотлар ўтказиш учун жалб этиладиган мутахассислар ва экспертларни стажировкадан ўтиш ва ўқитиш учун хорижий тадқиқот марказлари ва университетларга йўллаш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш, демография ва ижтимоий ривожлантириш соҳасида ахборот-таҳлилий шарҳлар, маърузалар ва бюллетенлар чиқариш;

---

\* 1-илова берилмайди.

Марказга юкланган вазифалар доирасида марказий иқтисодий органлардан, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан зарур норматив, статистика ва таҳлилий ахборотни сўраш ва олиш ҳуқуқи берилсин.

7. Марказ Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, бошқа вазирликлар ва идораларнинг бюллетенлари, статистика ахборотлари мажбурий тартибда юбориладиган реестрга киритилсин.

8. Марказий иқтисодий органлар, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмаларининг буюртмалари, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари, Фан ва технологиялар маркази, халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотларнинг грантлари ҳамда Марказнинг ўз фаолиятдан оладиган даромадлари Марказни маблағ билан таъминлаш манбалари этиб белгилансин.

9. Марказ Тошкент шаҳар, Усмон Юсупов кўчасидаги 1-уйга, «Ўзгипросувхўжалик» институти биносига жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Марказни телефон ва телекоммуникация алоқасининг зарур турлари, шу жумладан Ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.А. Голишев ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 24 декабрь,  
448-сон

### Демография ва истеъмол бозорини ўрганиш марказининг ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг умумий сони — 33 киши



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 199 Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 3 июлдаги 241-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида матбаа фаолиятини тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 2 февралдаги 52-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х. Кароматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 27 декабрь,  
454-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
27 декабрдаги 454-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартибини белгилаб беради.

Мазкур Низом ҳужжатлардан фақат нусха кўчириш фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Матбаа фаолияти деб, барча турдаги босма нашрларнинг босма шакллари ясаш мақсадида улар матнини териш, босма шакллари тайёрлаш (шу жумладан муҳр ва штампларни ясаш), макетини тайёрлаш, босиш, муқовалаш, тиражини тайёрлаш тушунилади. Матбаа фаолияти юқорида санаб ўтилган жараёнларни (турларни) узвий биргаликда ёки алоҳида-алоҳида олинган ҳолатларини ҳам ўз ичига олади.

Матбаа корхоналари деб матбаа фаолиятини амалга ошириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ташкил этилган тузилмалар (концерн, комбинат, фабрика, босмаҳона, марказ, устаҳона, цех, лаборатория, бўлинмалар ва бошқалар) тушунилади.

Матбаа корхонаси алоҳида юридик шахс сифатида ёки мавжуд юридик шахсининг таркибий тузилмаси сифатида ташкил этилиши мумкин.

Жисмоний шахслар матбаа фаолиятини амалга ошириш учун яқка тартибдаги тадбиркор сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишлари лозим.

Муҳр ва штамп тайёрлаш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

3. Матбаа корхоналари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олингандан ва Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий органларида ҳисобга қўйилгандан сўнг ўз фаолиятини бошлайдилар.

4. Рўйхатга олинган матбаа корхоналари тегишли ваколатли органларнинг рухсатсиз аҳоли билан пуллик ҳисоб-китоблар қилишда фойдаланиладиган пул белгилари, облигациялар, акциялар, чипталар, маркалар, талонлар ва бошқа белгили ҳамда рақамли тўлов воситаларини босиш ҳуқуқига эга эмас.

Рақамланган бланкаларни (товар-транспорт ҳужжатлари, йўл варақалари ва бошқа ҳисобот бланкаларини) қатъий ҳисоб орқали фақат ихтисослашган нашриётлар буюртмаси бўйича босишга рухсат этилади.

5. Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш учун юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига давлат тилида ёзилган ариза билан мурожаат қиладилар.

Рўйхатга олиш учун бериладиган аризада матбаа фаолиятининг тури, матбаа корхонасининг (муассисининг) тўлиқ ва қисқартирилган номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли (юридик шахслар учун), унинг жойлашган жойи (почта манзили), матбаа фаолияти амалга ошириладиган манзили ва мулоқот телефонлари кўрсатилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

юридик шахслар учун — юридик шахс давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

жисмоний шахслар учун — якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

матбаа корхонаси ишлаб чиқариш биносининг тозалик, ёнғин хавфсизлиги, экология, техник ва қўриқлаш-ёнғинга қарши огоҳлантириш мосламалари билан жиҳозлашга доир талабларга жавоб бериши ҳақидаги тегишли органлар далолатномалари; рўйхатга олиш учун белгиланган йиғимнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат; ўрнатилган ёки ўрнатилиши мўлжалланаётган матбаа ускуналарининг тури, номи ва миқдорини кўрсатувчи рўйхат.

6. Рўйхатга олиш ҳақидаги ариза у топширилган кундан эътиборан ўн беш кун ичида кўриб чиқилади.

Аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги матбаа корхонасини рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳнома тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кун ичида аризаچига берилади. Рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳнома беш йил муддатга берилади.

Рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳномада матбаа корхонасида амалга ошириладиган матбаа фаолиятининг аниқ турлари кўрсатилади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги рўйхатга олинган матбаа корхоналарини Ягона давлат реестрига киритади.

7. Матбаа корхонаси рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳномани олган кундан бошлаб беш кун мобайнида корхона ҳақидаги маълумотларни (матбаа корхонасининг (унинг муассисининг) тўлиқ ва қисқартирилган номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, матбаа фаолияти амалга ошириладиган манзили, мулоқот телефонлари, давлат рўйхатига олинганлик ҳақидаги гувоҳноманинг рақами) Ички ишлар вазирлигининг тегишли ҳудудий органига матбаа корхонасини ҳисобга қўйиш учун юборади.

Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий органи кўрсатиб ўтилган маълумотларни олган кундан бошлаб уч кун ичида матбаа корхонасини ҳисобга қўяди ва бу ҳақда матбаа корхонасига (унинг муассисига) хабар қилади.

8. Матбаа корхоналаридан давлат рўйхатига олиш учун қуйидаги миқдорда йиғимлар ундирилади:

Т/р	Матбаа фаолияти тури	Йиғим миқдори
1	Босма нашрларни босиш: а) йиллик иш ҳажми 2 млн. босма табоққача бўлган корхоналар б) йиллик иш ҳажми 2 млн. босма табоқдан ортиқ бўлган корхоналар	энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида
2	Нашрларнинг босма шакллари ясаш мақсадида улар матнини териш (набор). Нашрларнинг босма шакллари ясаш. Босма маҳсулотларнинг оригинал-макетларини тайёрлаш.	энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида
3	Муҳр ва штамплар тайёрлаш. Босма маҳсулотларини муқовалаш. Маҳсулотларни қадоқлаш қутилари ва ёрлиқларини тайёрлаш.	энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида
4	Матбаа корхоналари чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган ёки корхонага Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари муассис (ҳаммуассис) бўлса	1000 АҚШ доллари миқдорида

Матбаа фаолиятининг бир неча турлари билан шуғулланиш учун ариза берилганда, йиғим амалга оширилиши мўлжалланаётган фаолият турлари учун белгиланган йиғим миқдорларининг энг юқориси бўйича тўланади.

Рўйхатга олинган матбаа корхоналари қўшимча матбаа фаолияти турларини амалга ошириш учун қайта рўйхатга олинаётганда, йиғим умумий тартибда ундирилади. Матбаа корхонаси бошқа асосларга кўра қайта рўйхатга олинганда, рўйхатга олиш учун белгиланган йиғим миқдорининг ярим баравари тўланади.

Рўйхатга олиш учун тушган маблағлар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида қўшимча маблағ сифатида матбаа фаолиятини ривожлантириш учун қолдирилади.

9. Рўйхатга олиш фақат қуйидаги ҳолларда, агар:

шу номдаги матбаа корхонаси аввал рўйхатга олинган бўлса;

матбаа корхонасининг ишлаб чиқариш биноси тозалик, ёнғин хавфсизлиги, экология, техник ва қўриқлаш-ёнғинга қарши огоҳлантириш мосламалари билан жиҳозлашга доир талабларга жавоб бермаса, рад этилиши мумкин.

Рўйхатга олишни рад этиш тўғрисидаги ёзма жавоб мазкур Низомда кўзда тутилган асосларни кўрсатган ҳолда етти кун ичида матбаа корхонасига (унинг муассисига) юборилади.

10. Рўйхатга олинган матбаа корхоналари қуйидаги ҳолларда қайта рўйхатга олинади:

матбаа корхонаси рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳномада кўрсатилмаган матбаа фаолиятининг бошқа турларини амалга оширишни истаса;

матбаа корхонасининг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли (агар у юридик шахс сифатида ташкил этилган бўлса), унинг жойлашган жойи (почта манзили), матбаа фаолияти амалга ошириладиган манзили ўзгарса;

матбаа корхонасининг муассислари юридик шахс сифатида ёки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида қайта рўйхатдан ўтказилса.

Матбаа корхонаси қайта рўйхатга олиш ҳақидаги ариза билан юқорида кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига тақдим этади. Матбаа фаолияти амалга ошириладиган манзили ўзгарган тақдирда, матбаа корхонаси ишлаб чиқариш биносининг тозалик, ёнғин хавфсизлиги, экология, техник ва қўриқлаш-ёнғинга қарши огоҳлантириш мосламалари билан жиҳозлашга доир талабларга жавоб бериши ҳақидаги тегишли органлар далолатномалари ҳам тақдим этилади.

Қайта рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ўн кун ичида кўриб чиқилади. Матбаа корхонасини қайта рўйхатга олиш рўйхатга олиш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

11. Матбаа корхоналари томонидан мазкур Низом ҳамда матбаа соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилиш белгиланган тартибда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

Матбаа корхонаси (унинг муассиси) томонидан матбаа соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

матбаа корхонасига (унинг муассисига) аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида, бартараф этиш муддатлари кўрсатилган ҳолда, бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар (қарорлар) киритиш;

матбаа корхонасининг рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳномаси амал қилишини олти ойгача тўхтатиб туриш;

матбаа корхонасининг рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳномаси амал қилишини тугатиш.

12. Матбаа корхонаси рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

ўзга матбаа корхонасининг номи билан маҳсулот чоп этса ва тайёрласа;

ноқонуний равишда буюртмалар қабул қилса ва бажарса;

матбаа корхонаси амалдаги Давлат ва соҳа стандартлари талабларини бузса ҳамда Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва тозалик, ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун-қоидаларини бузганлиги ҳақида камида икки марта огоҳлантириш олган бўлса;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаси бажарилмаса.

Рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши суднинг қарорига биноан ҳам тўхтатиб турилиши мумкин.

13. Матбаа корхонаси рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

матбаа корхонасининг (муассиснинг) аризаси бўйича;

матбаа корхонасини рўйхатга олишда қалбаки ҳужжатлардан фойдаланганлик ҳолати аниқланганда;

матбаа корхонаси қайта рўйхатга олиниши шарт бўлган ҳолларда белгиланган муддатда қайта рўйхатдан ўтмаганда;

матбаа корхонаси ёки уни таъсис этган юридик шахс тугатилганда;

матбаа корхонасини ташкил этган жисмоний шахс — якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси амал қилиши тугатилганда;

матбаа корхонасини ташкил этган жисмоний шахс — якка тартибдаги тадбиркорнинг муомалага лаёқатлиги белгиланган тартибда чекланганда ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

матбаа корхонаси матбаа соҳасидаги қонун ҳужжатларини мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузганда;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги белгилаган муддатда матбаа корхонаси рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни бартараф этмаганда.

Рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши суднинг қарорига биноан ҳам тугатилиши мумкин.

14. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги матбаа корхонасининг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳномаси амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилганда, бу ҳақда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кун ичида, Ички ишлар вазирлигининг тегишли ҳудудий органига хабар қилади.

Амал қилиши тугатилган гувоҳнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига қайтарилиши шарт.

15. Муассис ёки корхона эгаси томонидан матбаа корхонаси тугатилганда, улар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига ёзма равишда хабар беришлари лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг  
27 декабрдаги 454-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
«Ўзбекистон Республикасида матбаа фаолиятини тартибга  
солиш тўғрисида» 1998 йил 2 февралдаги 52-сон қарорига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбоши ва қарорнинг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 2-бандда:

биринчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, матбаа корхоналари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олингандан ва Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий органларида ҳисобга қўйилгандан сўнг ўз фаолиятини бошлайдилар»;

иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. 3-бандда «Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасига» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Қарор 2-илоvasининг 3-бандида «Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ VAZИPЛAP MAХҚAMACИНИНГ ҚАРOPИ

## **200** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида

### [Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2002 йил 12 декабрдаги 431–II-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ 2003 йил учун:

- юридик шахслардан даромад (фойда) солиғи ставкалари 3-иловага\* мувофиқ;
- савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи тушумдан (товар айланмаси ҳажмидан) ягона солиқ ставкалари 4-иловага\* мувофиқ;
- чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар оладиган даромаддан ягона солиқ ставкалари ҳамда уларга тузатувчи коэффициентлар 5-иловага\* мувофиқ;
- солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ ставкалари 6-иловага\* мувофиқ;
- лотереялар, тотализаторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар учун ялпи тушумдан ягона солиқ ставкалари 7-иловага\* мувофиқ;
- юридик ва жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фонизлар тарзида олинадиган даромадлардан солиқ ставкалари 8-иловага\* мувофиқ;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича белгиланган солиқлар ставкалари ҳамда уларга тузатувчи коэффициентлар 9 ва 10-иловаларга\* мувофиқ;
- ишлаб чиқариладиган ва рўйхат бўйича четдан келтириладиган товарлардан акциз солиғи ставкалари 11-1, 11-2-иловаларга\* мувофиқ;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 12-иловага\* мувофиқ;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 13-иловага\* мувофиқ;
- юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи ставкалари 14-иловага\* мувофиқ;
- жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи ставкалари 15-иловага\* мувофиқ;
- ягона ер солиғи ставкалари 16-иловага\* мувофиқ;
- ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган тўловчилар учун ер солиғи ставкалари 17-иловага\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 18-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2003 йилда:

- барча солиқ солинадиган айланмалар бўйича қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиз миқдорида;
- пудрат қурилиш ташкилотлари томонидан қўшилган қиймат солиғи тўлашнинг амалдаги тартиби;
- «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятининг дилерлари расмий мақомига эга бўлма-

\* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ган жисмоний ва юридик шахслардан «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган олиб чиқиб кетиладиган автомобиллар учун йиғим ставкаси двигатель ҳажмининг 1 куб сантиметри ҳисобига 3,0 АҚШ доллари миқдоридаги ставка бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг:

«Жисмоний шахслар айрим тоифалари даромадларига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида» 1997 йил 24 декабрдаги 562-сон қарорининг;

«Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 13 апрелдаги 143-сон қарорининг амал қилиши сақлаб қолинсин.

Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон қарори қоидаларининг сўзсиз бажарилиши назарда тутилсин.

5. Белгилансинки:

экспорт қилувчи корхоналарда тўланган қўшилган қиймат солиғини қоплаш ҳуқуқи фақат республика ҳудудидан товарлар олиб чиқиб кетиш ҳамда уларнинг ҳисоб рақамларига экспортдан валюта тушуми тушганлиги факти тасдиқлангандан кейин пайдо бўлади;

мулкчилик шаклларида ҳамда идоровий мансублигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг барча корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ҳар йили 1 январдаги ҳолатига кўра асосий фондларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибда қайта баҳолайдилар.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2003 йил 1 январдан бошлаб умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу тартиб умумий овқатланиш соҳасида уй шароитларида ёки давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш бўйича хизматлар кўрсатишга татбиқ этилмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари умумий овқатланиш соҳасида юридик шахс бўлган ҳолда ушбу фаолият билан шуғулланиш истагини билдирган яқка тартибдаги тадбиркорларни 2003 йил 1 мартгача қайта рўйхатдан ўтказишни таъминласинлар.

Умумий овқатланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи, 2003 йил 1 январгача белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган яқка тартибдаги тадбиркорлар 2003 йил январь-февраль ойлари учун фаолиятнинг кўрсатилган туридан олинган даромадлардан белгиланган солиқларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 2002 йилда улар учун белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

7. 2003 йил 1 январдан бошлаб:

сотилмаган тайёр маҳсулотнинг нормативдан ортиқ қолдиқлари учун тўлов; ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқариб ташлаганлик, оқизганлик ҳамда чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштирганлик учун тўлов бекор қилинсин.

8. 2003 йил 1 январдан бошлаб:

ижтимоий сугуртага ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий бадаллар ва ажратмалар миқдорлари 19 ва 20-иловаларга\* мувофиқ;

\* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.



божхона тўловлари ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича ҳисобланадиган пеня миқдори бюджетга тўловлар бўйича ҳисобланадиган пеня сингари, тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун 0,07 фоизли ставка бўйича белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, адвокатлар бюроси, ҳайъатлари ва фирмалари Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ижтимоий суғуртага мажбурий бадалларни меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ушбу қарор билан белгиланган миқдорларда ўтказадилар.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25-иловага\* мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 26-иловага\* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига икки ҳафта муддатда таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари илгари чиқарилган норматив ҳужжатларини бир ҳафта муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 30 декабрь,  
455-сон

---

\* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.

**2002 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ҚОНУН  
ХУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН  
ХУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ**

Модданинг тартиб рақами	Хужжатнинг тури	Хужжатнинг номланиши	Хужжатнинг санаси ва тартиб рақами
-------------------------	-----------------	----------------------	------------------------------------

**1-сон**

1	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида	2001 йил 7 декабрь 312–II-сон
2	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	«Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш ҳақида	2001 йил 7 декабрь 313–II-сон
3	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида	2001 йил 7 декабрь 317–II-сон
4	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	«Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш ҳақида	2001 йил 7 декабрь 318–II-сон
5	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2001 йил 7 декабрь 320–II-сон
7	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2002 йил 5 январь 7-сон
8	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалиklarига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	2002 йил 5 январь 8-сон
9	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Тожикистон Республикаси юк авто-транспорт воситалари ва автобусларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали ўтганлиги учун йиғимларни бирхиллаштириш тўғрисида	2002 йил 8 январь 11-сон

**2-сон**

10	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	Хўжалик ширкатлари тўғрисида	2001 йил 6 декабрь 308–II-сон
----	------------------------------------	------------------------------	-------------------------------------

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

Модданинг тартиб рақами	Ҳужжатнинг тури	Ҳужжатнинг номланиши	Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами
11	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	«Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш ҳақида	2001 йил 6 декабрь 309–II-сон
12	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида	2001 йил 6 декабрь 310–II-сон
13	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида	2001 йил 6 декабрь 311–II-сон
14	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида	2001 йил 6 май 222–II-сон
15	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида	2002 йил 25 январь ПФ–3017-сон
16	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	2002 йил 31 январь ПФ–3022-сон
17	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида	2002 йил 16 январь 22-сон
18	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Чучук ер ости сувлари ҳосил бўладиган зоналарга алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисида	2002 йил 16 январь 23-сон
19	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида	2002 йил 18 январь 26-сон
20	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	«Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида	2002 йил 24 январь 30-сон

Модданинг тартиб рақами	Ҳужжатнинг тури	Ҳужжатнинг номланиши	Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами
21	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2002 йил 25 январь 32-сон
22	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002—2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	2002 йил 25 январь 33-сон
23	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Теннис клублари учун белгиланган солиққа оид имтиёзлар муддатини узайтириш тўғрисида	2002 йил 30 январь 39-сон
24	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Афғонистон ҳудудига тижорат юкларини транспортда ташишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	2002 йил 31 январь 41-сон
25	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида	2002 йил 31 январь 42-сон
<b>3-4-сон</b>			
26	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида	2002 йил 6 февраль ПФ-3023-сон
27	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида	2002 йил 20 февраль ПФ-3028-сон
28	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида	2002 йил 20 февраль ПФ-3029-сон

Моданинг тартиб рақами	Ҳужжатнинг тури	Ҳужжатнинг номланиши	Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами
29	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2002 йил 26 февраль ПФ–3038-сон
30	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзозиковқаттаъминот» ихтисослаштирилган давлат-акциядорлик компаниясини қайта ташкил этиш тўғрисида	2002 йил 5 февраль 47-сон
31	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг шахсий гувоҳномасини ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг гувоҳномасини амалга киритиш тўғрисида	2002 йил 15 февраль 55-сон
34	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тўғрисида	2002 йил 21 февраль 62-сон
35	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2002 йил 27 февраль 70-сон
36	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида	2002 йил 27 февраль 70-сон
<b>5-6-сон</b>			
37	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	2002 йилнинг 1 апрелидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида	2002 йил 26 март ПФ–3045-сон
38	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	2002 йил 30 март ПФ–3047-сон
39	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2002 йил 1 март 74-сон

Модданинг тартиб рақами	Ҳужжатнинг тури	Ҳужжатнинг номланиши	Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами
40	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2002 йил 4 март 77-сон
41	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2002 йил 19 март 88-сон
42	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Табийий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида	2002 йил 20 март 90-сон
44	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этиш фаоллаштирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2002 йил 26 март 97-сон
45	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2002 йил 28 март 99-сон
46	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида	2002 йил 29 март 106-сон
<b>7-сон</b>			
47	Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни	Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида	2002 йил 4 апрель 350–II-сон
48	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида	2002 йил 5 апрель 357–II-сон
49	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида	2002 йил 3 апрель 111-сон

Модданинг тартиб рақами	Ҳужжатнинг тури	Ҳужжатнинг номланиши	Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами
50	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида	2002 йил 12 апрель 123-сон
<b>8-сон</b>			
51	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	2001 йил 7 декабрь 323–II-сон
52	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг яқунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида	2001 йил 4 апрель 351–II-сон
53	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида	2002 йил 16 апрель ПФ–3052-сон
54	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2002 йил 25 апрель 141-сон
55	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Тошкент шаҳар қурилиш комплексини бошқаришни такомиллаштириш масалалари тўғрисида	2002 йил 29 апрель 147-сон
56	Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори	Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 62-моддаси тўртинчи қисмини шарҳлаш тўғрисида	2002 йил 10 апрель
<b>9-сон</b>			
57	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	Ўзбекистон Республикасининг Шаҳар-созлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида	2002 йил 4 апрелдаги 353–II-сон
58	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	Ўзбекистон Республикасининг Шаҳар-созлик кодексини амалга киритиш тўғрисида	2002 йил 4 апрель 354–II-сон



Модданинг тартиб рақами	Ҳужжатнинг тури	Ҳужжатнинг номланиши	Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами
59	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	Кредит уюшмалари тўғрисида	2002 йил 4 апрель 355–II-сон
60	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида	2002 йил 4 апрель 356–II-сон
61	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида	2002 йил 5 апрель 360–II-сон
62	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида	2002 йил 5 апрель 361–II-сон
63	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	Чиқиндилар тўғрисида	2002 йил 5 апрель 362–II-сон
64	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	«Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида	2002 йил 5 апрель 363–II-сон
65	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, ногирон болалар ва болалиқдан ногиронларнинг дафн маросими учун бир йўла бериладиган нафақалар тўғрисида	2002 йил 1 май 149-сон
66	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	2002 йил 1 май 150-сон
67	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида	2002 йил 2 май 151-сон
68	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида [Кўчирма]	2002 йил 6 май 154-сон

Модданинг тартиб рақами	Ҳужжатнинг тури	Ҳужжатнинг номланиши	Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами
<b>10-сон</b>			
69	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	Сугурта фаолияти тўғрисида	2002 йил 5 апрель 358–II-сон
70	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	«Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида	2002 йил 5 апрель 359–II-сон
71	Ўзбекистон Республикасининг Қонуни	Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2002 йил 5 апрель 364–II-сон
72	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида «Марказий Осиё ҳамжорлиги» ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида	2002 йил 5 апрель 365–II-сон
73	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори	Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида	2002 йил 5 апрелдаги 366–II-сон
74	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2002 йил 20 май ПФ–3077-сон
75	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	«Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиб кетишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 25 декабрдаги ПФ–2160-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида	2002 йил 29 май ПФ–3078-сон
76	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Ядро полигонларида ва бошқа ядровий-радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида	2002 йил 30 май ПФ–3079-сон
77	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида	2002 йил 30 май ПФ–3080-сон

Модданинг тартиб рақами	Ҳужжатнинг тури	Ҳужжатнинг номланиши	Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами
78	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 6 майдаги 194-сон қарори 1-иловасига қўшимчалар киритиш тўғрисида	2002 йил 21 май 168-сон
79	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хизмат турар жойлари бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 27 январдаги 24-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2002 йил 24 май 178-сон
80	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Чет элга бориш учун рухсат бериш ёзувининг ёпиштириладиган стикерини тасдиқлаш тўғрисида	2002 йил 25 май 181-сон
83	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида	2002 йил 31 май 188-сон
84	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Импорт бож пошлиналарини унификация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2002 йил 31 май 189-сон
<b>11-12-сон</b>			
85	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида	2002 йил 20 май ПФ–3076-сон
86	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2002 йил 11 июнь ПФ–3090-сон
87	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	«Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартдаги ПФ–3047-сон Фармонида ўзгартиришлар киритиш ҳақида	2002 йил 20 июнь ПФ–3092-сон

Модданинг тартиб рақами	Ҳужжатнинг тури	Ҳужжатнинг номланиши	Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами
88	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида	2002 йил 21 июнь ПФ–3093-сон
89	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Ўзбекистон Республикасида нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида	2002 йил 27 июнь ПФ–3099-сон
90	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида	2002 йил 4 июнь 197-сон
91	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида	2002 йил 6 июнь 200-сон
92	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чоратадбирлари ҳақида	2002 йил 13 июнь 208-сон
93	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида [Кўчирма]	2002 йил 14 июнь 209-сон
94	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2002 йил 19 июнь 216-сон
95	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Статистика ва молия ҳисоботини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2002 йил 25 июнь 227-сон
96	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида	2002 йил 28 июнь 235-сон

Модданинг тартиб рақами	Ҳужжатнинг тури	Ҳужжатнинг номланиши	Ҳужжатнинг санаси ва тартиб рақами
97	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида	2002 йил 28 июнь 236-сон
<b>13-сон</b>			
98	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	2002 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида	2002 йил 1 июль ПФ–3101-сон
99	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Республика енгил саноатини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида	2002 йил 1 июль ПФ–3102-сон
100	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида	2002 йил 3 июль ПФ–3103-сон
101	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида	2002 йил 11 июль ПФ–3105-сон
103	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Республика енгил саноатини ривожлантириш ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида [Кўчирма]	2002 йил 2 июль 240-сон
104	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида	2002 йил 3 июль 241-сон
105	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	Электр тармоқлари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида	2002 йил 5 июль 243-сон
